

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ КАМОЛ ИБРАГИМОВИЧ

ПНЕВМОМЕХАНИК ЙИГИРИШ МАШИНАЛАРИДА
ДИСКРЕТИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническом наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Ахмедов Камол Ибрагимович

Пневмомеханик йигириш машинасида дискретизация жараёнини
такомиллаштириш.....3

Ахмедов Камол Ибрагимович

Совершенствование процесса дискретизации пневмомеханических
машин.....23

Axmedov Kamol Ibragimovich

Improvement of the sampling process of rotor spinning
machines.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ КАМОЛ ИБРАГИМОВИЧ

ПНЕВМОМЕХАНИК ЙИГИРИШ МАШИНАЛАРИДА
ДИСКРЕТИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Т1135 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Матисмаилов Сайфулла Лолашбоевич техника фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Ханхаджаева Нилуфар Рахимовна техника фанлари доктори, профессор Бабажанов Хусан Тохирович техника фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Табиий тоналар илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc03/30/12.2019.Т.08.01 – рақамли Илмий кенгашнинг 9 июн соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй. Тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz). Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 135-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй. Тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2022 йил «26» май куни тарқатилди.
(2022 йил «26» майдаги 135 рақамли реестр баённомаси).



И.К. Сабиров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.З. Маматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Н.Р. Ханхаджаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тўқимачилик саноати етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Маҳсулотлар ассортиментининг турлари кенгаймоқда ҳамда уларга қўйилаётган талаб ҳам жадал суръатларда ошиб бормоқда. Жаҳон бозорида йигирилган ип ва газламаларга рақобатнинг юқори даражадалиги, замонавий такомиллашган технологиялар, тўқима турларининг сифати ва миқдор жиҳатидан тез ўзгартириш имконини берадиган ускуналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар олинишининг зарурлиги ҳамда тўқимачилик маҳсулотларининг сифатини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Дунё миқёсида 24-25 млн тонна пахта толаси олинади. Ривожланган чет эл мамлакатларида, АҚШ, Япония, Германия, Италия, Хитой каби давлатларда сифати ва физик-механик хоссалари юқори бўлган иплар ишлаб чиқаришда сезиларли ютуқларга эришилган бўлиб, уларда тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш учун технологик жараёнларни бошқариш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда йигирилган ип ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эришиш, замонавий такомиллашган технологик машиналарнинг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада пневмомеханик йигириш машиналарида йигирилган ип олишдаги технологик жараёнларида юқори самарадорликни таъминлайдиган янги усулларни яратиш, дискретловчи барабанчасининг арра тишли гарнитурасини такомиллаштириш ҳамда гарнитура параметрлари ва иш режимларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада пахта толасидан сифатли ип ишлаб чиқаришда меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, ип олишда технологик жараёнларнинг самарадорлигини оширадиган юқори самарадор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, йигирилган иплардан тўқиладиган матоларининг сифатини ошириш, жараёнда ипларнинг узилишини камайтириш, истеъмол хусусиятлари яхшиланган янги ассортиментдаги тўқималар ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони, 2019 йил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ресурстежам-корлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда пневмомеханик ип йиғириш технологиясини тадқиқ этиш билан хорижда: Н. Ernst, С. Trommer, R. H. Gong, X. Chen, A. R. Horrocks, S. C. Anand, Dyson, Behzadan шуғулланишган. Пневмомеханик ип йиғириш технологиясини такомиллаштириш, дискретлаш зонасида толали материални арра тишли гарнитуралар таъсирида алоҳида толаларга ажратиш, толаларни йиғириш камерасига бир текис узатишнинг назарий ва амалий асосини яратиш бўйича тадқиқотлар: И. Г. Борзунов, Н. М. Ашнин, Ю. В. Павлов, К. И. Бадалов, В. Г. Гончаров, Е. М. Крайнов, Т. А. Меркуловой, С. Н. Хрипунов, В. Э. Рыбин, Ф. М. Плеханов ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикада пневмомеханик йиғирув машиналарида толаларни дискретлаш жараёни самарадорлигини ошириш, арра тишли гарнитуралар параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар Р. З. Бурнашев, А. Джураев, Ж. К. Жуманиязов, К. Ф. Гофуров, Ж. К. Гофуров, С. Л. Матисмаилов, Ж. К. Юлдашев, Ш. А. Корабаев, О. Мирзаев ва бошқалар томонидан бажарилган.

Шу билан бирга, такомиллаштирилган пневмомеханик ип йиғириш машиналарининг юқори тезликда ишлаши туфайли ҳар хил қопламали янги профилга эга арра тишли гарнитураларни ишлаб чиқариш учун янги материаллардан (масалан, композит материаллардан) фойдаланиш толаларга таъсир қилувчи ташқи кучларнинг ўзгаришига олиб келади, шунинг учун илмий асосланган усуллардан фойдаланган ҳолда дискретлаш жараёнини такомиллаштириш, янги профилга эга арра тишли гарнитураларнинг параметрларини ип сифатига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасини илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтини илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ИДТ-2016-2-6 «Пневмомеханик йиғириш машинасини дискретлаш зонасини ресурстежомкор конструкциясини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш» (2016-2017) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади назарий тажрибавий комплекс тадқиқотлар асосида дискретловчи барабанчанинг гарнитура параметрларини ва тезлик

режимларини танлаб дискретлаш жараёни самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

толаларни дискретлаш жараёнига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, арра тишли гарнитура геометрик ўлчамларининг технологик параметрларига (сигимдорлиги, толани ушлаб туриши, толали қатламга санчилиш қобилияти, жадаллиги) таъсирини таҳлил қилиш;

гарнитура арра тишларининг қиялик бурчагини аниқлаш тенгламасини ишлаб чиқиш, арра тиш сиртида толанинг ҳаракатланиш қонунини назарий асослаш учун дискретлаш барабанчасининг гарнитура тишлари билан толаларни ушлаб туриш шартларини аниқлаш;

дискретловчи барабанча айланиш тезлигининг толага таъсир этувчи марказдан қочма куч, ишқаланиш коэффиценти, тортишиш кучи ва гарнитура тишларидаги толали масса ўзгаришига таъсирини назарий ўрганиш таҳлил асосида боғланишлар ишлаб чиқиш;

гарнитура арра тишлари қиялик бурчаги ва барабанчанинг айланиш тезлигини танлаш учун толага таъсир этувчи ташқи кучларни ҳисобга олиб, графиклар ишлаб чиқиш;

гарнитура арра тишининг қиялик бурчаги ва барабанча айланиш тезлигини танлаш бўйича тажрибавий тадқиқотлар ўтказиш;

ип сифат кўрсаткичларининг гарнитура параметрларига ва дискретловчи барабанча айланиш частотасига боғлиқлигининг математик моделларини куриш;

гарнитура оптимал параметрларини ва дискретлаш барабанчасининг айланиш тезликларини қўллаб иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пневмомеханик йиғириш машинасининг дискретловчи барабанчаси ва арра тишли гарнитура, йиғирилган ип олинган.

Тадқиқотнинг предмети пневмомеханик ип йиғириш машиналарида толаларни дискретлаш жараёни, арра тишнинг қиялик бурчаги, барабанчанинг айланиш тезлиги ва ип сифат кўрсаткичи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий, экспериментал, толаларни тиш сиртида ҳаракатини аниқлашда дифференциалли баҳолашнинг Лагранж, математик статистиканинг тажрибаларини режалаштириш, тола ва ип сифатини баҳолашда махсус ва замонавий ўлчаш, баҳолаш, солиштириш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пневмомеханик йиғириш машиналарида арра тишларини, унинг қадамларини ва қиялик бурчакларини ўзгартирилган ҳолда дискретловчи барабанчасининг янги гарнитураси ишлаб чиқилган;

такомиллаштирилган янги гарнитура арра тишлари қиялик бурчагини аниқлаш учун математик модел ишлаб чиқилган ва дискретловчи барабанча айланиш тезлигининг марказдан қочма куч, ишқаланиш коэффиценти ва гарнитура тишларидаги толали масса ўзгаришига таъсирини назарий асосланган;

дискретловчи барабанча айланиш тезлигининг толага таъсир қилувчи ташқи кучларнинг ўзгаришига таъсир даражасини аниқловчи боғланишлар ишлаб чиқилган ва аниқланган;

ип сифат кўрсаткичларининг гарнитура параметрларига ва дискретлаш барабанчасининг айланиш тезлигига боғлиқлигини ифодаловчи математик моделлар ишлаб чиқилган, арра тишнинг қиялик бурчаги ва барабаннинг айланиш тезликларининг рационал қийматлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тиш юзаси бўйлаб толанинг ҳаракатланишини назарий таҳлили асосида такомиллаштирилган арра тишли гарнитуранинг маълум ўлчамлари учун ҳаракатнинг кинематик параметрлари ишлаб чиқилган;

тишнинг қиялик бурчаги ва барабанчанинг тезлик режимини танлашни энгиллаштирувчи гистограмма ишлаб чиқилган;

гарнитура параметрлари ва дискретловчи барабанча параметрлари ўзгаришида ип сифатини башорат қилишга имконият яратувчи математик моделлар қурилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва тажрибавий тадқиқотларнинг мослиги, апробация ва қўллаш натижаларининг ижобийлиги, шунингдек, натижаларни солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларнинг кўриб чиқилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлиliga кўра асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дискретлаш барабанча гарнитураси арра тиши юзада ҳаракат қонуниятининг назарий асосланганлиги, гарнитура тишининг қиялик бурчагини аниқлаш формуласи келтириб чиқарилганлиги ва дискретлаш барабанча тезлик режимини толага таъсир қилувчи ташқи кучларга таъсири тенгламасини олиш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чизиқли зичлиги 29 текс ип ишлаб чиқаришда гарнитуранинг оптимал параметрлари ва дискретлаш барабанчаси айланиш частотаси тавсия қилинганлиги, бу эса ипнинг солиштирама узиш кучини 11,85 сН/текс оширишга, узиш кучи ва ипнинг ташқи кўриниши бўйича нотекисликни 8,6% га, ип узилишлар сони 20% га камайиши ҳисобига машина унумдорлиги оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дискретловчи барабанча гарнитура тишлар қадами ва тишнинг олд қирраси қиялик бурчаги ҳамда дискретловчи барабанча айланиш частотаси параметрларининг ип сифати ва пневмомеханик ип йиғириш жараёни барқарорлигига таъсири даражасини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

дискретлаш барабанчасига янги профили гарнитурани қўллаб пневмомеханик усулда йиғирилган ипнинг сифатини таъминлайдиган рационал параметрлар Хоразм вилояти “КОВОТЕХ” МЧЖ ҚК ва “ХОРАЗМ ТЕХ” МЧЖ корхоналари шароитида 29 тексли чизиқли зичликдаги ип йиғириб олишда ишлаб чиқаришга жорий этилган. («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 13 декабрдаги №14/25-3399-сонли маълумотномаси). Натижада, юқори

сифатли (ипнинг солиштирма узиш кучи юқори, ип кўндаланг кесими бўйича нотекислиги яхшиланган, ташқи кўринишдаги нуқсонлари кам) пневмомеханик ип олинган, ҳамда ипдаги узилишлар сони 20% га камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 9 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий- амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Пневмомеханик йиғириш усулларини такомиллаштириш бўйича чет элдаги илмий тадқиқотларнинг аналитик шарҳи»** деб номланган биринчи бобида мамлакатимиз ва хорижий давлатларда қўлланилаётган пневмомеханик йиғириш машинаси дискретловчи барабанча арра тишли гарнитураси бўйича олиб борилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда жаҳонда пневмомеханик йиғириш усули турли ассортиментдаги ишларни ишлаб чиқаришда етакчи ҳисобланади. Кўпгина давлатларда пневмомеханик усулда олинган ишларнинг умумий улушини 80-90% ташкил этади. Шунинг учун чет эл машинасозлик фирмалари пневмомеханик йиғирув машиналарини ва уларнинг айрим узелларини янги инавацион, автоматлаштирилган воситалар ва рақамли технологиялар имкониятидан фойдаланиб такомиллаштиришга катта аҳамият бермоқдалар.

Такомиллаштириш асосан машина унумдорлигини ошириш, энергия сарфини камайтириш, машинага хизмат кўрсатиш бўйича автоматлаштирилган таъмирлаш ишларини бажариш, ишчи узелларини уларнинг конструкцияларини яхшилаш ва уларни кўпроқ мустаҳкам масалан, композитив материаллардан фойдаланган ҳолда юқори аниқликда тайёрлашга йўналтирилган.

Технологик жарёнларни тўғри ташкил қилиш, ишчи органлар параметрларини тўғри созлаш сифатли ип олишда катта аҳамиятга эга.

$$\begin{aligned}x_1 &= R \cdot \cos(\alpha_0 + \alpha_1 + \omega \cdot t) - r \cdot \cos(\beta - \alpha_0 - \alpha_1 - \omega \cdot t) \\y_1 &= R \cdot \sin(\alpha_0 + \alpha_1 + \omega \cdot t) + r \cdot \sin(\beta - \alpha_0 - \alpha_1 - \omega \cdot t)\end{aligned}\quad (2)$$

Лагранжнинг II-тур тенгламаси тузилади ва тенгламадан, тишнинг қиялик бурчаги ва дискретловчи барабанчанинг айланиш частотасига боғлиқлиги келтириб чиқарилади.

$$\frac{d}{dt}\left(\frac{\partial T}{\partial \dot{r}}\right) - \frac{\partial T}{\partial r} = Q_r \quad (3)$$

Умумлашган координаталар сифатида гарнитура арра тишининг узунлигини r қабул қиламиз. Кинетик энергиясини қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$T = \frac{m}{2} \cdot (\dot{x}_1^2 + \dot{y}_1^2) \quad (4)$$

бу ерда m – тола массаси.

Тиш ости асосида ҳаракатланаётган толаларга таъсир қилувчи ташқи кучлар 2-расмда келтирилган. Толаларга таъсир қилувчи ташқи кучлар F_k – кориолис кучи, $F_{M.K}$ - марказдан қочма куч, F_{uuu} - ишқаланиш кучи, N - нормал босим кучи $F_k = F_{M.K} + F_{uuu} = m \cdot \omega^2 \cdot r + f \cdot N$ унинг йўналиши OA_0 кесмага перпендикуляр бўлади.

$$F_k = 2 \cdot m \cdot \omega \cdot \dot{r} \cdot \cos(\beta - \beta_0)$$

бу ерда ω - толаларнинг кўчирма бурчак тезлиги, \dot{r} – нисбий тезлиги.

Ушбу боғланишлардан Q_r умумлашган кучлар учун

$$Q_r = m \cdot g \cdot \sin \beta_0 - 2 \cdot \omega \cdot m \cdot \dot{r} \cdot f \cdot \cos(\beta - \beta_0)$$

бу ерда: f - тола билан тиш орасидаги ишқаланиш коэффиценти.


Толаларнинг T кинетик энергиясидан \dot{r}_i ва r_i ўзгарувчилар бўйича мураккаб функцияни дифференцияллаш қоидасига кўра хусусий ҳосилалари олинади, яъни

$$r = \frac{N_1 \cdot k_2 - N_2}{k_2 - k_1} \cdot e^{k_1 t} + \frac{N_1 \cdot k_1 - N_2}{k_1 - k_2} \cdot e^{k_2 t} - \frac{2 \cdot \omega^2 \cdot (2 \cdot n \cdot \omega \cdot A_0 - 2 \cdot n \cdot B_0) + (4 \cdot \omega^4 + 4 \cdot \omega^2 \cdot n^2) \cdot B_0}{2 \cdot n \cdot \omega \cdot (4 \cdot \omega^4 + 4 \cdot \omega^2 \cdot n^2)} \cdot \sin \lambda + \frac{2 \cdot n \cdot \omega \cdot A_0 - 2 \cdot \omega^2 \cdot B_0}{4 \cdot \omega^4 + 4 \cdot \omega^2 \cdot n^2} \cdot \cos \lambda \quad (5)$$


Ушбу (5) тенглама асосида толаларнинг тиш ости асосидаги ҳаракатининг тишнинг қиялик бурчаги, дискретловчи барабанчанинг айланиш частотаси ва чизиқли тезлигига боғлиқ тенгламаси келтириб чиқарилди. Бу тенгламадан толаларни ишчи камерага бир текисда узатиш мақсадида тавсия қилинаётган параметрларнинг оптимал қийматларини аниқлашда пневмомеханик йигириш машинаси дискретловчи барабанчасининг айланиш частотасини $n_1=6500$ мин⁻¹; $n_2=7000$ мин⁻¹; $n_3=7500$ мин⁻¹ қийматларда, тишнинг қиялик бурчагининг $\beta_1 = 64^\circ$; $\beta_2 = 68^\circ$; $\beta_3 = 72^\circ$ қийматлари ва толаларнинг чизиқли тезликлари $v_1 = 24 \frac{m}{s}$,

$v_2 = 27 \frac{m}{s}$, $v_3 = 30 \frac{m}{s}$ қийматларда толаларнинг ҳаракати таҳлил қилинди.


3-6 расмларда толалар ҳаракати чизиқли тезлигининг ўзгариши, айланиш частотасининг ўзгариши ва қиялик бурчакларининг ўзгаришлари бўйича графиклари келтирилган.



3-расм. Толалар тиш асосида харакатининг вақтга боғлиқлиги ва чизиқли тезликларини турли қийматларида ўзгариш графиги




4-расм. Толаларнинг турли бурчаклар ва вақт оралиғида харакат графиги



$$1- n_1 = 6500 \text{ мин}^{-1}; 2- n_2 = 7000 \text{ мин}^{-1}; 3- n_3 = 7500 \text{ мин}^{-1}.$$

5-расм. Толаларнинг тиш асосида ҳаракатининг вақтга боғлиқлиги ва айланиш частотасининг турли қийматларида ўзгариш графиги



$$1- \beta_1 = 64^\circ; 2- \beta_2 = 68^\circ; 3- \beta_3 = 72^\circ.$$

6-расм. Тола тиш асосида ҳаракат тезлигининг вақтга боғлиқлиги ва тишнинг қиялик бурчагини турли қийматларида ўзгариш графиги

Графикларда толаларнинг ҳаракатини ишчи камерага бир текисда алоҳида-алоҳида узлуксиз узатишда тишнинг қиялик бурчаги, чизиқли тезлиги, айланиш частоталари муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўриниб турибди. Бир хилда узатиш юқори сифатли ип ишлаб чиқариш шартларидан бири эканлиги аниқланди. Бундан ташқари пилтани толаларга ажратишдан токи ишчи камерагача бўлган $\tilde{S} = 38 \text{ мм}$ масофани $t=2,8 \cdot 10^{-4} \text{ с}$ вақтда ишчи камерага узатилиши, тишнинг баландлиги $r = 2,1 \text{ мм}$ эканлиги ҳисоблаб чиқилди ва бу графикларда ўз тасдиғини топди. Натижада ипларнинг шикастланиши камайиб, ипнинг узиш кучига таъсир қилиш аниқланади.

Диссертациянинг «Дискретловчи барабанча гарнитураси ва айланиш тезликлари параметрларини ип сифатига таъсири тажрибавий

тадқиқотлари» деб номланган учинчи бобида ТТЕСИ “Йигириш технологияси” кафедрасининг ўқув лабораториясида ўтказилган натижалари келтирилган. Бунда гарнитура тишлар қадами ва тишнинг олд қирраси қиялик бурчаги ҳамда дискретловчи барабанча айланиш частотаси параметрларининг ип сифати ва пневмомеханик ип йигириш жараёни барқарорлигига таъсир даражасини аниқланган. Ушбу омилларнинг ип сифатига таъсирини баҳолашда чизиқли зичлиги 29 текс бўлган ип “Trutzschler” фирмасининг замонавий технологик ускуналаридан ҳамда “Чех Saurer” фирмасининг (Чехия) BD-330 маркали пневмомеханик йигириш машинасида фойдаланиб ишлаб чиқилди. Тажрибаларда уч хил кирувчи омил ўзгартирилди: 6500-7500 мин⁻¹ ораликда дискретловчи барабанча айланиш тезлиги (x_1), 2,5-4,5 мм ораликда гарнитура тиш қадами (x_2), 64-72⁰ ораликда гарнитура олд қирраси қиялик бурчаги (x_3). Бу омилларни танлаш бир қатор назарий ва тадқиқот ишларида мавжуд бўлган априор маълумотлар асосида амалга оширилди.

Омилларнинг ўзгариш даражаси 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Омилларнинг ўзгарувчанлик даражаси

Факторлар	Омиллар даражаси			Ўзгариш интервали
	-	0	+	
x_1 – дискретловчи барабанча айланиш частотаси, мин ⁻¹	6500	7000	7500	500
x_2 – тиш қадами, мм	2,5	3,5	4,5	1,0
x_3 – тиш олд қирраси қиялик бурчаги, град ⁰	64	68	72	4

Такомиллаштирилган таъминлаш узелини параметрларини муқобиллаш масаласини ечиш учун тўла омилли тажриба ТОТ 3² лотин квадрати усулини қўллаб 3x3//9 тажриба ўтказилди, яъни барча омиллар ўртасидаги ҳамма қайтарилмайдиган комбинациялар миқдорлари назарга олинади, чунки тўқимачилик тадқиқотларда бу усул муқобил вариантни излашда энг самарали усул ҳисобланади. Ҳамма тажрибалар учта қайтарилишда ўтказилди. Муқобиллаш параметрларига қуйидагилар киради:

- ипнинг солиштирма узилиш кучи, сН/текс (Y_1);
- ипнинг узиш кучи бўйича вариация коэффиценти, % (Y_2);
- ип ташқи кўриниши нуқсонлари, дона/км (Y_3);

Ҳар бир муқобиллаш параметри учун регрессион тенгламалар олинди. Регрессия коэффицентларининг аҳамиятга моликлигини Стьюдент мезони ёрдамида, тенглама адекватлиги эса Фишер ёрдамида аниқланди.

Тажриба режасига мувофиқ BD-330 пневмомеханик йигириш машинасида 9 та вариантда чизиқли зичлиги 29 текс бўлган ип ишлаб чиқилди. Ипнинг физик-механик хосса кўрсаткичларининг ўртача натижалари 2-жадвалда келтирилган. Ипнинг чизиқли зичлиги ва чизиқли зичлиги бўйича вариация коэффиценти USTER AVTOSORTER ипнинг узилишдаги пишиқлиги ва узайиш кўрсаткичлари USTER TENSORAPID 4 асбобларида аниқланди.


Ипнинг физик-механик хосса кўрсаткичлари

№ т/р	Кўрсаткичлар номланиши	Вариантлар								
		1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Вариант характеристикаси: n, мин-1 t, мм αо	7500 4,5 64	7000 4,5 72	6500 4,5 68	7500 3,5 68	7000 3,5 64	6500 3,5 72	7500 2,5 72	7000 2,5 68	6500 2,5 64
2	Ип чизиқли зичлиги, текс	29,0	29,1	29,0	28,9	29,0	29,1	28,9	29,0	29,0
3	Чизиқли зичлик бўйича вариация коэффициентлари, %	1,2	1,3	1,3	1,4	1,2	1,1	1,2	1,2	1,3
4	Узиш кучи, сН	275	262	274	286	286	271	291	296	290
5	Солиштирма узиш кучи, сН/текс	11,1	10,4	10,96	11,5	11,4	10,8	11,7	11,85	11,6
6	Узиш кучи бўйича вариация коэффициентлари, %	9,4	9,7	9,5	9,1	9,3	9,6	8,8	8,6	8,9
7	Узайиши, %	6,6	6,52	6,40	6,72	6,62	6,54	6,82	6,90	6,70
8	Узилишдаги иши, Н·см	4,59	4,27	4,38	4,80	4,73	4,43	4,96	5,11	4,85
9	Ип пишиқлигида тола пишиқлигидан фойдаланиш коэффициентлари	0,425	0,398	0,420	0,440	0,437	0,414	0,448	0,454	0,444
10	Сифат кўрсаткичи	1,18	1,07	1,15	1,26	1,23	1,125	1,33	1,38	1,30
11	Ип узилишлари сони, 1 соатда 1000 та камера учун	38	36	34	30	30	32	28	26	32

Барча вариантларда ишлаб чиқилган иплар O'zDSt 2321: 2011 «Тўқувчилик учун пневмомеханик йигирув мошинасида карда тараш усулида олинган пахта ва аралаш толали калава иплар» талабларига жавоб беради.

2-жадвалдан кўришиб турибдики, дискретловчи барабанча гарнитураси параметрлари (тиш қадами, тиш олд қирраси қиялик бурчаги) ва айланиш частотаси ипнинг физик-механик хоссалари кўрсаткичларига ҳамда йигириш жараёни барқарорлигига таъсир этади.

Буни 7-расмда яққол кўриш мумкин. Энг юқори солиштирма узиш кучи (11,7-11,85-11,6 сН/текс) ва узиш кучи бўйича вариациянинг энг кам коэффициент (8,8-8,6-8,9%) гарнитура тиш қадамининг 2,5 мм бўлгандаги № 7,8,9 вариантларда кузатилди. Тиш қадамини 4,5 мм гача оширилганда (1, 2, 3 вариантлар) ипнинг солиштирма узилиш кучи 11,1-10,4-10,96 сН/текс гача камайди, мос равишда вариация коэффициентлари 9,4-9,7-9,5% гача ошди.



7 - расм. Барабанча гарнитура параметрлари ва айланиш частотаси солиштирама узиш кучи ва узиш кучи бўйича вариация коэффицентиغا боғлиқлиги

Солиштирама узиш кучини, узиш кучи бўйича вариация коэффицентиغا бўлиб ипнинг “Сифат кўрсаткичи” аниқланади ва ипнинг сифати баҳоланади.

2-жадвалдан шунингдек кўриниб турибдики, 7, 8, 9 вариантлардаги сифат кўрсаткичлари мос равишда 1,33-1,38-1,30 ташкил қилади; 4, 5 вариантларда 1,26 (айланиш частотаси 7500 ва тиш олд қирраси қиялик бурчаги 68° бўлганда) ва айланиш частотаси 7000 мин^{-1} гача, қиялик бурчаги 64° гача камайганда ипнинг сифат кўрсаткичи 1,23 гача камаяди. Энг кам сифат кўрсаткичи тиш қадами

4,5 мм ва олд юкланишдаги қиялик бурчаги 72° катта бўлган манфий факторли иккинчи вариантда – 1,07 тенг бўлди.

7- расмдан кўриниб турибдики, юқори пишиқликдаги, текис ва юқори узилиш ишига эга ип ишлаб чиқиш учун оптимал параметрлар 8 – вариантга тўғри келади:

- дискретловчи барабанча айланиш частотаси – 7000 мин^{-1} ;
- тиш қадами 2,5 мм;
- олд қирра қиялик бурчаги 68° .

Тадқиқ қилинаётган омилларнинг таъсир даражасини баҳолаш учун солиштирама узиш кучи, узиш кучи бўйича вариация коэффиценти, гарнитура параметрлари ва дискретловчи барабанча айланиш частотасидан ип ташқи кўриниши нуқсонлари каби тўла омилли тажрибанинг асосий параметрларига боғлиқ бўлган оптималлашнинг регрессион математик модели олинди.

Регрессия тенгламаси коэффицентларини топиш учун 3-жадвалда келтирилган кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Чизиқли зичлиги 29 текс ип учун тажриба режаси ва натижалари

№ т/р	Омиллар кодлантириш қийматлари									Оптимизация параметрлари		
	x_1	x_2	x_3	$x_1 \cdot x_2$	$x_1 \cdot x_3$	$x_2 \cdot x_3$	x_1^2	x_2^2	x_3^2	У1-солиштирама узиш кучи, сН/текс	У2-узиш кучи бўйича вариация коэффициенти, %	У1-ташқи кўриниш нуқсони, дона/км
1	+	+	-	+	-	-	+	+	+	11,1	9,4	141
2	0	+	+	0	0	+	0	+	+	10,4	9,7	153
3	-	+	0	-	0	0	+	+	0	10,96	9,5	130
4	+	0	0	0	0	0	+	0	0	11,5	9,1	124
5	0	0	-	0	0	0	0	0	+	11,4	9,3	128
6	-	0	+	0	-	0	+	0	+	10,8	9,6	146
7	+	-	+	-	+	-	+	+	+	11,7	8,8	116
8	0	-	0	0	0	0	0	+	0	11,85	8,6	120
9	-	-	-	+	+	+	+	+	+	11,6	8,9	138

y_1, y_2, y_3 оптималлаш параметрлари учун регрессион тенглама коэффициентлари ҳисобланди.

1. Ипнинг солиштирама узиш кучи, регрессия тенгламаси сН/текс (y_1)

$$y_1 = 11,26 + 0,157 x_1 - 0,448 x_2 - 0,2 x_3 + 0,35 x_1 \cdot x_3 - 0,2 x_2 \cdot x_3$$

2. Узиш кучи бўйича вариация коэффициенти регрессия тенгламаси, % (y_2)

$$y_2 = 9,21 - 0,117 x_1 + 0,383 x_2 - 0,325 x_1 \cdot x_3 + 0,1 x_2 \cdot x_3$$


3. Ташқи кўриниш нуқсони регрессия тенгламаси, дона/км (y_3)

$$y_3 = 132,88 - 5,5 x_1 + 8,33 x_2 + 8,25 x_1 \cdot x_2 - 8,25 x_1 \cdot x_3 + 8,5 x_2 \cdot x_3$$


Олинган регрессион тенгламалар ва уларнинг геометрик изочизиқлари графиклари Maple компютер дастуридан фойдаланиб ечилган, уларнинг изохлари 8-расмда келтирилган.

Графиклардан кўришиб турибдики ипнинг солиштирама узиш кучи дискретловчи барабанча айланиш частотаси ошиши ва гарнитура тиш қадамнинг камаяши билан ортади. Қиялик бурчагини ошириш тиш қадами орлиғи катта бўлмаганда мақсадга мувофиқ. Узиш кучи бўйича вариация коэффициенти дискретловчи барабанча айланиш частотаси ошиши, тиш қадамнинг камаяши ва олд қирра қиялик бурчагини ошиши билан камаяди; ташқи кўриниш нуқсонларининг умумий миқдори дискретловчи барабанча айланиш частотаси ортиши билан камаяди ва тиш қадами ортиши ҳамда олд қирра қиялик бурчагини ошириш ип нуқсонлари миқдорини камайтиради, бироқ тиш қадамларининг ортиши билан нуқсонларнинг миқдори кескин ошиши аниқланди.


8-расмда кодланган учинчи омил X_3 (тиш олд қирраси қиялик бурчаги) иккита (ЭНГ катта $X_3 = 1$ ва ЭНГ кичик $X_3 = -1$) ва чиқувчи параметр \hat{y} (солиштирама узиш кучи)нинг ҳар хил қийматларида кодланган катталиклар x_2 (тиш қадами) ва x_1 (дискретловчи барабанча айланиш частотаси) орасидаги боғланиш графиклари келтирилган.



a)



б)



в)

8-расм. Регрессион тенламалар асосида қурилган изочизиклар талқини

Олинган регрессияли боғлиқликлар ёрдамида қуйидаги оптималлаш вазифаси ҳал қилинди: солиштирма узиш кучини паст даражада ва узиш кучи бўйича вариация коэффициентларини юқори даражада чеклашлар натижасида ташқи кўриниш нуқсонлари миқдорини минимал-лаштириш мумкин. Регрессия тенламаларининг геометрик талқинларини таққослаш асосида ишлаб чиқарилаётган ипнинг хусусиятларининг энг яхши кўрсаткичларини таъминлайдиган кирувчи параметрларнинг қийматларини белгилаш мумкин, уларга;

$$\begin{cases} a) x_2 = -1 \div (-0,6) & x_1 = 0,4 \div 1,0 & x_3 = 0 \\ b) x_2 = -1 \div (-0,6) & x_3 = 0,4 \div 1,0 & x_1 = 0 \\ c) x_1 = -1 \div (-0,4) & x_3 = -1,0 \div (-0,6) & x_2 = 0 \end{cases}$$

Дискретлаш узели параметрларини тўғри танлаш натижасида пневмо йигириш жараёни барқарорлиги ортади. Ип узилиши соатига 1000 камерада 26 узилишни, параметрларнинг талабга жавоб бермайдиган бирикмасида эса соатига 1000 камерада 38 узилишни ташкил этади (2-жадвалга қаралсин). Юқори сифатли ип ишлаб чиқаришда машиналардаги узилишни шу тарзда 30-35% га камайтириш мумкин.

Лекин бир вақтнинг ўзида тиш қиялик бурчаги ва дискретловчи барабанча айланиш частотаси оширилганда арра тишли гарнитура тишларида толаларни ушлаб туриш имкониятини пасайишига олиб келади.

Солиштирма узилиш кучи 11,85 сН/текс, узиш кучи бўйича вариация коэффициенти 8,6% ва ташқи кўринишининг минимал нуқсонлари билан ип ишлаб чиқариш соатига 1000 урчукда 26 узилиш ҳолатида узилишни 32 % гача туширишга имкон берди.

Диссертациянинг «**Такомиллаштирилган дискретловчи барабанчани ишлаб чиқариш шароитидаги тадқиқоти иқтисодий самарадорлик ҳисоби**» деб номланган тўртинчи бобида қиёсий тажрибавий тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотлар «XORAZM TEX» МЧЖ йигирув фабрикасининг ишлаб чиқариш шароитида «Чех Saureg» (Чехия) компаниясининг ВД-330 пневмомеханик йигирув машинаси олиб борилди. Корхонада пневмомеханик йигириш машинаси дискретловчи барабанчасига тиш қиялик бурчаги ўзгартирилган янги арра тишли гарнитура ва оптимал параметрларни куллаб чиқиқли зичлиги 29 текс (OE № 20,3) ип ишлаб чиқилди ва ипг сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилди.

Ип ишлаб чиқаришда 5 тип II нав, синфи яхши, “Оқ Дарё” селекция навидаги пахта толаси сараланмасидан фойдаланилди. Шу билан бирга, пневмомеханик йигириш машинаси дискретлаш барабанчаси учун куйидаги оптимал параметрлар ўрнатилди:


- дискретловчи барабанча айланиш частотаси – 7000 мин⁻¹;
- тиш қадами 2,5 мм;
- олд қирра қиялик бурчаги 68°.

Корхонада назорат варианты (фабрика) ва оптимал параметраларни қўллаб йигирилган ипнинг физик-механик хосса кўрсаткичлар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Ипнинг физик-механик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Назорат варианты (n=6500 мин ⁻¹ , t=4,5мм, β=66°)				Оптимал вариант (n=7000 мин ⁻¹ , t=2,5мм, β=68°)			
		1	2	3	Ўрт	1	2	3	Ўрт
1	Ипнинг чизиқли зичлиги, текс	29,1	29,3	29,2	29,2	29,1	29,1	29,2	29,1
2	Чизиқли зичлик бўйича вариация коэффициенти, %	1,2	1,4	1,3	1,3	1,1	1,3	1,2	1,2
3	Узиш кучи, сН	326	309	292	309	352	348	330	343
4	Солиштирма узиш кучи, сН/текс	11,19	10,58	10,05	10,6	12,1	11,87	11,3	11,7
5	Узиш кучи бўйича вариация коэффициенти, %	7,2	8,4	8,6	8,07	6,7	7,5	8,0	7,4
6	Сифат кўрсаткичи	1,55	1,26	1,17	1,33	1,81	1,58	1,41	1,6
7	Узайиши, %	6,2	5,9	5,7	5,9	6,2	5,8	5,6	5,87
8	Ипнинг пишитилганлиги, б/м	875	823	777	825	828	876	778	827
9	Пишитиш коэффициенти, α _a	47,2	44,4	41,9	44,5	47,2	44,3	44,2	45,2
10	Ип пишиқлигида тола пишиқлигидан фойдаланиш коэффициенти	0,441	0,417	0,396	0,42	0,476	0,467	0,444	0,46
11	Узилишлар сони: 1000 камера учун	54	52	53	53	42	44	40	42



9-расм. Ипнинг физик-механик хосса кўрсаткичлари

4-жадвал ва 9-расмдан кўришиб турибдики, янги конструкциядаги гарнитура ўралган дискретловчи барабанчани қўллаб олинган ип сифат кўрсаткичлари назоратдаги (фабрика) кўрсаткичларига қараганда оптимал вариантда олинган ип сифат кўрсаткичлари яхшиланган, жумладан:

- ипнинг кесими бўйича нотекислиги 6,5% га камайди;
- ипнинг солиштирма узиш кучи 1,1 сН/тексга ошди;
- ипнинг узиш кучи бўйича квадратик нотекислиги 8,3% га камайди;
- ипнинг узайиши 0,5% юқори;
- ипдаги узилишлар сони 20% га камайди.

Такомиллаштирилган дискретлаш барабанчасида янги профили гарнитура тишлари параметрларининг таъсирини тадқиқ этиб, қуйидагилар аниқланди:

- ип пишиқлигида тола пишиқлигидан фойдаланиш коэффиценти 0,46 гача, ипнинг сифат кўрсаткичи (R_{km}/C) эса 1,6 гача ошди;
- 100 метр ипдаги ингичка (3 гача) ва қалин жойларини (26 гача) камайиши ҳисобига ипларнинг кесим бўйича квадратик нотекислиги (C_m) пасайди;
- ипнинг солиштирма узиш кучининг 1,1 сН/тексга ошиши, ип узиш кучи бўйича нотекислигини 8,3% га камайтирди;
- ипнинг узиш кучи ортиши ва нотекислиги камайиши натижасида йиғириш машиналарда узилишлар сони ўртача 20% камайди.

Тажриба натижалари ва йиғирилган ипнинг сифат кўрсаткичлари бўйича иқтисодий самара ҳисоблаб чиқилди.

Техник-иқтисодий кўрсаткичлар 5-жадвалда келтирилган.

Техник-иқтисодий кўрсаткичлар

№	Кўрсаткичлар номланиши	Ўлчов бирликлари	Назорат вариант	Оптимал вариант	Қиялик
1	Ип чизиқли зичлиги	Текс	29,0 (№ 20)	29,0 (№ 20)	-
2	Машина фойдали вақт коэффициенти	ФВК	0,947	0,951	+0,004
3	Йигириш машинаси иш унумдорлиги нормаси	кг/соат	59,27	59,52	+0,25
4	Йиллик ип ишлаб чиқариш: 2 та машинада	Тонна	715,63	718,64	+3,01
5	Пахтадан ип чиқиши	%	88	88,05	+0,05
6	Пахта иқтисоди	Тонна	1179,14	1183,49	+4,35
7	Шартли доимий харажатларнинг камайишидан иқтисодий самара, Э _{пр}	млн. сўм	-	-	9,44
8	Чиқиндилар миқдори камайишидан иқтисодий самара, Э _о	млн. сўм	-	-	63,6
9	Сортни яхшилашдан келадиган иқтисодий самара, Э _с	Сўм	-	-	62434
10	Йиллик умумий иқтисодий самара	Млн.сўм	-	-	74,05
	1 тонна ип учун	Сўм	-	-	103036,9

Ишлаб чиқаришда ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, таклиф этилаётган такомиллаштирилган арра тишли гарнитурани ва рационал параметрларини қўллаш натижасида ип узилишлар сонини, чиқиндилар миқдорини камайиши, машина ФВКни ортишига олиб келди.

Ип сифат кўрсаткичларини яхшиланиши, ип ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлиги ошириши ҳисобига бир йилда 74050 минг. сўм, 1 тонна ип ишлаб чиқариш учун эса 103036,9 сўм иқтисодий самарага эришилди.

ХУЛОСА

«Пневмомеханик йигириш машинасида дискретизация жарёнини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертация иши бўйича куйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

1. Истиқболли такомиллашган юқори тезликда ишловчи пневмомеханик йигириш машиналари дискретлаш қурилмаси самарадорлиги, толаларнинг турига, ифлослик даражасига ва машинанинг конструктив

хусусиятиларини ҳисобга олган ҳолда арра тишли гарнитура параметрларини тўғри танлаш катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

2. Дискретлаштирувчи барабанчанинг арра тиши юзаси бўйлаб толалар ҳаракат қонунини тавсифловчи тенглама олинди, бу арра тишли гарнитуранинг оптимал қиялик бурчагини аниқлаш имконини беради.

Толанинг ҳаракати дискрет барабанчаси айланиш частотаси $n_1 = 6500 \text{ мин}^{-1}$, $n_2 = 7000 \text{ мин}^{-1}$, ва $n_3 = 7500 \text{ мин}^{-1}$, тиш қиялик бурчаги $\beta_1 = 64^\circ$, $\beta_2 = 68^\circ$, $\beta_3 = 72^\circ$ ва толаларнинг чизиқли тезлиги $v_1 = 24 \frac{\text{м}}{\text{с}}$, $v_2 = 27 \frac{\text{м}}{\text{с}}$, $v_3 = 30 \frac{\text{м}}{\text{с}}$ бўлганда таҳлил қилинди, бу тегишли боғлиқликларни олиш имконини берди.

3. Арра тишли гарнитура параметрлари ва дискретлаш барабанининг тезлиги унинг технологик хусусиятларига, тиш юзасида толанинг ушлаб туришига ва толали тутамчасига санчилиш қобилиятига сезиларли таъсир кўрсатди. Ҳисоблаш шуни кўрсатадики, толаларни дискретлаш нуқтасидан ип йиғирув камерасигача бўлган $\bar{S} = 38 \text{ мм}$ масофада, тиш баландлиги $r = 2,1 \text{ мм}$ да толалар $t = 2,8 \cdot 10^{-4} \text{ с}$ босиб ўтиши аниқланди.

4. Тажриба ўтказиш режасига мувофиқ ВД-330 пневмомеханик йиғирув машинасида тўқув ва трикотаж маҳсулотлари учун чизиқли зичлиги 29 текс ип ишлаб чиқаришда оптималлаштириш параметри (ипнинг солиштирма узиш кучи сН/текс ва узиш кучи бўйича вариация коэффити %) учун регрессия тенгламалари олинди. Ушбу математик моделлар ҳар бир омилнинг таъсир даражасини (дискретлаштирувчи барабаннинг айланиш частотаси, тиш қадами, тиш қиялик бурчаги) аниқлаш ва ипнинг сифатини тахмин қилиш имконини беради.

5. Олинган тажрибавий тадқиқотлар асосида, ишлаб чиқарилган ипнинг юқори пишиқлиги, бир текислиги, узиш ишини ошиши олиб келувчи, дискретлаш барабанининг айланиш тезлиги 7000 мин-1, гарнитура тиш қадами 2,5 мм, тиш олд қирраси қиялик бурчаги 68° оптимал параметрлари асосланди.

6. Тажрибавий ипнинг сифат кўрсаткичлари назорат вариантыга нисбатан яхшиланди, хусусан, солиштирма узиш кучи 1,1 сН/текс га, узиш кучи 34 сН га ошди, узиш кучи бўйича вариация коэффиценти 0,67% га камайди, соатига 1000 камерага тўғри келадиган ипларни узилиши сони 20% га камайди.

7. Дискретлаш барабанчасига такомиллаштирилган янги профили тишли гарнитура ва рационал параметрлар тавсия этилди. Ип йиғирув фабрикаси ишлаб чиқариш шароитида оптимал параметрларни жорий этилиши натижасида йиғирилаётган ипнинг юқорои сифат кўрсаткичларига эришилди ва бир қатор технологик кўрсаткичлар бўйича машина самарадорлиги таъминлади (ипнинг узилишлар сонини камайди, ип чиқиш унуми ва машинадан ФВК ошишди).

8. Ипнинг сифат кўрсаткичларини яхшиланиши, ип чиқиш ва машина унуми ва меҳнат унумдорлиги ошиши натижасида корxonанинг йиллик умумий иқтисодий самарадорлиги 74 млн 50 минг сўм, бир тонна ипга эса 103036 сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

АХМЕДОВ КАМОЛ ИБРАГИМОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА ДИСКРЕТИЗАЦИИ
ПНЕВМОМЕХАНИЧЕСКИХ МАШИН**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.3.PhD/T1135.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Матисмаилов Сайфулла Лолашбоевич кандидат технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Ханхаджаева Нилуфар Рахимовна доктор технических наук, профессор Бабажанов Хусан Тохирович доктор технических наук
Ведущая организация:	Узбекский научно-исследовательский институт натуральных волокон

Защита диссертации состоится 9 июня 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100., г.Ташкент, ул. Шохжахон-5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория, Тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована №135). (Адрес 100100., г.Ташкент, ул. Шохжахон-5, Тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.)

Автореферат диссертации разослан «26» мая 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 135 от «26» мая 2022 года).



И.К. Сабиров
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н.,

А.З. Маматов
Член и секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.Р. Ханхаджаева
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертационной работы. В мире одна из ведущих мест занимает текстильная промышленность. Ассортимент текстильных изделий расширяется, что приводит к стремительному увеличению спроса на них. Важно наличие высокого уровня конкуренции продукций прядильного и ткацкого предприятий на мировом рынке, разработка, создание и внедрение современных передовых технологий, позволяющих своевременно определять качественные и количественные характеристики текстильной продукции. Потребность в высококачественной и конкурентоспособной продукции и большое значение имеет улучшение качества текстильных продукций. Ежегодно в мире производится 24-25 миллионов тонн хлопкового волокна. В развитых странах, таких как США, Япония, Германия, Италия, Китай, был достигнут определенный прогресс в производстве высококачественной пряжи с улучшенными физико-механическими свойствами, при этом в текстильной промышленности особое внимание уделяют совершенствованию управлению технологическими процессами для увеличения эффективности производства и конкурентоспособности продукции.

В мире проводился научно-исследовательские работы, на разработку новых научно – технических решении современных усовершенствованных технологических машин для достижения высокой эффективности производства пряжи. В связи с этим особое внимание уделяется обеспечивающих способов высокую производительность в технологических процессах получения прядения пряжи на пневмомеханических прядильных машинах и усовершенствованию зубья пилла дискретного барабана, а также обоснованию параметров гарнитуры и рабочих режимов технологического процесса.

В республике проводятся масштабная мероприятия достигаются определению результаты по разработке высокопроизводительных способов и техники, снижающих трудовые и энергетические затраты и повышающих эффективность технологических процессов при получении качественной пряжи от хлопка. В новой Стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы поставлены важные задачи, в частности «Продолжение промышленной политики, направленной на обеспечение устойчивости национальной экономики и увеличение доли промышленности в ВВП, а также увеличение промышленного производства в 1,4 раза...»². При решении этих задач важно удвоить выпуск продукции текстильной промышленности. При выполнении этих задач важно повысить качество тканей получаемых из пряжи, уменьшить обрыв пряжи в процессе производства, получить новый ассортимент тканей с улучшенными потребительскими свойствами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента в Постановление и Президента Республики Узбекистан № УП-5989 от 5 мая 2020 года «О неотложных мерах по поддержке текстильной и швейной промышленности»,

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан 28 января 2022 года №УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы»

12 февраля 2019 года ПП-4186 «О мерах по дальнейшему углублению реформирования текстильной и швейной промышленности и расширению ее экспортного потенциала» Настоящая диссертация основана на постановлениях Правительства Республики Узбекистан от 16 сентября 2019 года ПП-4453 «О мерах по дальнейшему развитию лёгкой промышленности и стимулированию производства готовой продукции», и другие положения, связанные с этой деятельностью, служат в определенной степени.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы.

В последние годы исследованием технологии пневмомеханического прядения занимаются большинство ученых и инженеров дальнего зарубежья: Н.Ernst, С.Trommer, R.H.Gong, X.Chen, A.R.Horrocks, S.C.Anand, Dyson, Behzadan и др. Вопросами усовершенствования технологии пневмомеханического прядения, созданием теоретических и практических основ процесса разделения волокнистого материала на отдельные волокна под воздействием пыльчатой гарнитуры в зоне дискретизации, равномерной подачей волокон в прядильную камеру занимались такие зарубежные ученые как А.Г.Севостьянов, И.Г. Борзунов, Н.М.Ашнин, Ю.В.Павлов, К.И.Бадалов, В.Г.Гончаров, Е.М.Крайнов, Т.А.Меркулова, С.Н.Хрипунов, В.Э.Рыбин, Ф.М.Плеханов, которые внесли вклад в научное развитие данной области.

В республике вопросы повышения эффективности процесса дискретизации на пневмомеханических прядильных машинах нашли свое отражение в исследованиях Р.З.Бурнашева, А.Джураева, Ж.К.Жуманиязова, К.Г.Гофурова, Ж.К.Гофурова, С.Л.Матисмаилова, Ж.К.Юлдашева, Ш.А. Корабаева, О.Мирзаева и др.

